O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ ________

Ҳоқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 20 май, шанба • №38 (11.223) • Эркин нархда сотилади

## Владимир Путин: «ЎЗБЕКИСТОНГА ТАҲДИД – РОССИЯГА ТАҲДИДДИР»

**Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 18-19 май кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди**



Ташриф дастуридан жой олган асосий тадбирлар Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Биринчи куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро яккама-якка суҳбатда шу куннинг долзарб масалалари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари борасида фикр алмашди. Бу учрашув мўлжаллanganидан анча узоқ давом этгани унда муҳокама қилинган масалалар жуда муҳим бўганлигидан дарак беради.

Бугунги кунда диний экстремизм, халқаро террорчилик ва минтақавий хавфсизлик масалалари нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда жуда долзарб бўлиб турибди. Шу боис, музокараларда бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Президентлар давлатлар осойишталигига хавф солувчи ҳар қандай хавф-хатарга қарши ҳамжиҳатликда курашишнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бугунги кунда дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган бундай хавфни енгиш учун биргаликда, кучларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда кураш олиб борилмаса, эртага у барча учун ашаддий таҳдидга айланиши турган гап. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун ҳозирданоқ қатъий чора-тадбирлар кўриш келажакдаги фаровон ҳаёт кафолати бўлади.

19 май куни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бу соҳалардаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам бирдек муҳимлиги яна бир бор эътироф этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Россиянинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми тўққиз фоиз ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг йиллик ҳажми 1-1,5 миллиард АҚШ доллари атрофидадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, собиқ иттифоқ республикалари орасида фақат Ўзбекистонгина Россиядан қарздор эмас.

Бугун Ўзбекистон, дейлик, самолётсозлик соҳасида Россия билан шериклик қилишдан манфаатдор бўлса, ўз навбатида, Россия тўқимачилик саноатининг ривожи ўзбек пахтасига боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россияга етказиб берилиши ҳам муҳим савдо-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Музокаралар жараёнида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни юксалтиришга хизмат қиладиган, аммо турли сабабларга кўра ишга солинмаган улкан имкониятлар, захиралар мавжуд. Музокараларда мана шу омиллардан унумли фойдаланишни тезроқ йўлга қўйиш, бунинг учун куч-ғайратни бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ниҳоясига етгач, ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро автомобил қатнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Музокаралар якунлангач, Ислом Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Владимир Путин расман Президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чуқур рамзий маънога эга эканлигига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чоғидаги музокаралар самарали бўлгани ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидлади.

– Биз ҳар галги учрашувимизда ўзаро ҳамкорликнинг ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия миллий манфаатларига мос келувчи янги шакл ва усулларини топишга муваффақ бўляпмиз, – деди жумладан Ислом Каримов. – Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама шериклик бугунги кунда ўзаро ишонч, тенглик ва бир-биримизга ҳурмат асосида қурилмоқда.

Владимир Путин президентлик лавозимини расман эгаллагач, илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлагани тасодифий эмаслигини айтди.

– Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда, – деди Россия раҳбари. – Мамлакатларимизнинг бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ортаётир. Бу эса, ўз навбатида, муносабатлар ривожининг жадаллашишига туртки бўляпти.

Ислом Каримов музокараларда минтақавий хавфсизлик масаласи кенг муҳокама этилганини маълум қилди.

– Диний экстремизм, халқаро террорчилик, шунингдек, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги барқарорликка путур етказишга уринаётган кучлар ортида яхши таъминлангач ва уюшган халқаро экстремистик марказлар турганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, – деди Ислом Каримов. – Бу иллатларга қарши курашиш ва манбаларини йўқ қилиш борасида Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир-бирига уйғундир.

Ўзбекистон Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан, ўз навбатида, Россия ҳам мамлакатимиз билан бу борадаги шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифдан олдин Давлат Думасига Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани ратификация учун таклиф қилгани бежиз эмас. Мазкур ҳужжат ўтган йилнинг декабрида, В. Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган эди. У икки мамлакат қуролли кучларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш масалаларини ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос яратади. Ислом Каримов таъкидладики, айни пайтда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида ўттизга яқин лойиҳа ва шартнома устида иш олиб борилмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини янада оширишга хизмат қилади.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритаётган сиёсатига юқори баҳо берди ва бу жараён республикамиз иттифоқчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар анча фаоллашгани рост. Экстремистик кучлар бу ҳудудда «беқарорлик ўчоғи» яратишга уринаётир. Минтақада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг муҳим шериги ҳисобланади. Бинобарин, бу ердаги беқарорлик Россия манфаатларига ҳам путур етказади. Шунинг учун Владимир Путин Ўзбекистонга солинган таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдид бўлади, деб алоҳида таъкидлади. Шу туфайли Россия раҳбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Сўнгги вақтларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида шахсий дўстона яқинлик ва ишонч пайдо бўлгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Журналистлар билан учрашувда Президентларнинг ўзлари ҳам бу жиҳатни алоҳида таъкидлашди. Улар бу дўстона яқинлик давлатлараро муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлишини қайд этди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президентлар Тошкент Ислом университетига ташриф буюрди. В. Путин университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Шу билан Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

– Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди, – деди Ислом Каримов. – Маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойида В. Путин мамлакатимизга Россия ҳукумати раиси сифатида ташриф буюрган эди. Шундан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу сафар у юртимизга Россиянинг Президенти сифатида келди. Мазкур икки ташриф сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, турли масалаларга қарашларимизни уйғунлаштириш, хавфсизлик йўлида алоқаларимизни мустаҳкамлаш борасида жуда муҳим омил бўлди.

***Анвар КАРИМОВ, Алишер ҲАСАНОВ, ЎзА мухбирлари.***

---

*Вилоят ҳокимлигида*

## «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» НАМОЙИШ ЭТАДИ

***Халқимизда минг бора эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Дарҳақиқат, инсониятни ҳамиша кўриш санъати ўзига ром этиб келган.***

Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан миллий қадриятларимизни тиклаш, озод ва обод Ватанни барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаётни яратиш, мустақиллик йилларида халқимиз амалга ошираётган ўзгаришларни намойиш этаётган кўргазмали, суратли воситалар юртдошларимизнинг маънавий тарбиясига катта таъсир кўрсатмоқда.

18 май куни вилоят ҳокимлигида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Тошкент вилояти бўлими кенгашининг йиғилишида келгусида бу борадаги ишларни янада кучайтириш, кўргазмали, тасвирий тарғиботнинг сифатини ошириш борасида бўлим олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишни кенгаш раиси, вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Диёр Мирзааҳмедов ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишларга тўхталиб, бугунги кунда 10та шаҳар ва туманда ижодий уюшманинг бўлимлари фаолият кўрсатаётганлиги, 1999 йилда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин ҳаёт қуриш йўлида ватандошларимиз амалга ошираётган буюк ижодкорлик ишларини ифодаловчи, она-Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбияловчи 12 миллион сўмлик шиорлар, паннолар, қопламалар ва «Тасвирий ойина» марказлари яратилганлигини таъкидлади.

Бўлим вилоятнинг барча тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Наврўз, Мустақиллик айёмларида ўзининг ижодий ишлари билан қатнашмоқда. Вилоятдаги бошқа ижодий жамоалар билан турли кўрик-танловлар ташкил этмоқда. Хусусан, истиқлолимизнинг мазмун ва моҳиятини одамларга чуқурроқ етказиш мақсадида республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вилоят бўлими, республика маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказиш анъанага айланди. Бу танловларда вилоят ижодкорларининг турли қатламлари фаол иштирок этмоқдалар.

Айни вақтда вилоятда тасвирий тарғиботнинг бундай таъсирчан имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти. Бир қатор шаҳар ва туманларда унинг бўлимлари ҳалигача ташкил этилмаган. Эндиликда тайёрланаётган кўргазмали шиорлар, панноларнинг сифатини яхшилаш устида ишлайдиган пайт ҳам келди.

Кенгаш йиғилишида сўзга чиққан «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Паркент тумани бўлими раиси Миртожи Жамолов, республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вилоят бўлими раиси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов, элшунос олим Билол Аминов, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси муовини Маҳмуд Йўлдошев ва бошқалар уюшманинг вилоят бўлими фаолиятига муносиб баҳо бериб, келгусида уни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан кенгашнинг қарори қабул қилинди.

---

## ТАКЛИФЛАР КУТИЛМОҚДА

***Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича вилоят комиссиясининг шу йил 1 май кунигача бажарилган ишлар якунига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси У. Солиев бошқарган мазкур мажлисда иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби А. Зокировнинг тегишли даврда зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, санация қилинаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатишга доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот тингланди. Ҳисобот даврида банкротлик арафасида турган корхоналар сони камайгани, 2000 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 20та корхона банкрот деб эълон қилингани ва улар бўйича тугатиш ишлари олиб борилаётгани, қарздорларнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари қопланаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга Қибрай, Пскент , Бўстонлиқ туманлари, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар билан етарлича иш олиб борилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлис якунларига кўра, вилоятнинг туман ва шаҳар ҳокимликларига ташкилотлар, бошқармалар, бирлашмалар ва тегишли ҳудудий комиссияларга корхоналарнинг зарар кўриб ишлаши ва иқтисодий ночорлигига барҳам бериш борасида қатъий чоралар кўриш, уларни молиявий барқарорлаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар белгилаш, кам қувватли, тўловга лаёқатсиз, фаолият истиқболига эга бўлмаган корхоналар тугатилишини таъминлаш ва ўрганиш натижаларига кўра, комиссияга банкротлик жараёни юзасидан таклифлар бериш топширилди.

---

**Ўзбекистон — Россия**

## ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ КЕНГАЯДИ

*Икки мустақил давлат – Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳар соҳада таркиб топган ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу иқтисодиётда яққол кўзга ташланяпти. Республикамиз, шу жумладан, вилоятимиздаги қатор йирик корхоналар жамоалари ўзларининг россиялик ҳамкасблари билан амалий алоқаларни кенгайтиряптилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, қатор йирик машинасозлик, кимё саноати корхоналари ва бошқалар шулар жумласига киради.*

Мустақиллик йилларида иқтисодий алоқаларнинг янги қирралари ҳам шакллана бошлади. Бу ҳамкорликда корхоналар барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Ўзбекистонлик ва россиялик тадбиркорлар биргаликда қатор ишлаб чиқариш тармоқларини юзага келтирмоқдалар. Ҳозирги вақтда вилоятимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ишбилармонлари билан 40га яқин қўшма корхона ташкил этилган бўлса, бунда Россиянинг улуши салмоқлидир. Вилоятимиз шаҳарлари ва туманларида бир қанча шундай корхоналар ишлаб турипти.

«ДП. Паллада Восток» корхонаси шулар жумласидандир. У Олмалиқдаги маиший кимё заводи ҳузурида ташкил этилди. Маълумки, бу завод, айниқса, хом ашё ва материаллар таъминотидаги узилишлар ва қийинчиликлар натижасида айрим вақтларда бутунлай тўхтаб қолди. Лекин, завод истеъмол бозорини бойитишга салмоқли ҳисса қўшар эди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли-туман уй-рўзғор буюмлари жуда харидоргир бўларди. Бозор иқтисодиёти шароитларида юзага келган қийинчиликлар корхона жамоаси фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш оқсай бошлади. Буни қайта тиклаш учун маблағ етишмас эди. Шунинг учун корхонани чет эллик инвесторларга сотишга қарор қилинди.

Харидорлар ҳам тезда топилди. Уларнинг энг мақбулларини танлаш керак эди. Айниқса, Россиянинг «Уральские самоцветы» фабрикаси таклиф этаётган шартлар маъқул деб топилди. Ўттиз йилдан ошиқроқ вақтдан бери Россия ва қатор чет эл мамлакатларида ўзи ишлаб чиқараётган парфюмерия маҳсулотлари билан машҳур бўлган бу корхонани унинг раҳбарлиги 1,4 миллион долларга сотиб олди ва бу ерда фабриканинг филиалини ташкил этишга киришди. Қатор замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Энг илғор технология жорий қилинди. Ишлаб чиқаришнинг аксарият жараёнлари автоматлар ёрдамида бошқарилмоқда, унинг механизация даражаси ҳам жуда баланд бўлиб, қўл кучи жуда кам ишлатилади.

Қисқа муддат ичида бу корхона оёққа турди. Ўзининг дастлабки маҳсулотларини ўтган йил охирларидан бошлаб савдо шахобчаларига етказиб бера бошлади. Маҳсулотлари сифатли, замонавий бўлганлиги ҳамда кўримли идишларга солингани учун тез харидорини топди. Бозор талаби пухта ўрганилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ой сайин ортиб борди, турлари кўпайтирилиб, сифати яхшиланмоқда.

— Бозор шароитида маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади, — дейди «ДП. Паллада Восток» корхонасининг бош директори Искандар Рашидов. — Шунинг учун ҳам, биз бунга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Маҳсулотларимиз жаҳон мезонлари талабларига жавоб бермоқда. Тайёрланаётган рўзғор буюмлари тури 10тадан ошиб кетди. Фақат шампуннинг ўзидан беш хилини ишлаб чиқармоқдамиз. Бундан ташқари, қатор кир ювиш воситалари ва бошқалар ҳам буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Чехия, Германия, Италиядан келтирилган асбоб-ускуналар бир маромда ишламоқда.

Бундай ҳамкорликдан ўзбекистонлик ва россиялик тадбиркорлар катта манфаат кўрмоқдалар. Энг муҳими бу ерда 300га яқин фуқаролар иш билан таъминланди. Улар декабрь ойида 21 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлса, январь ойидан бошлаб бу кўрсаткич 35 миллион сўмликдан кам бўлмаяпти. Бозор талаби ошган сари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаверади.

Корхона жамоаси Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путиннинг Ўзбекистонга амалий ташрифини қизғин маъқулламоқда. Чунки, корхона ишчи-хизматчилари ҳурматли меҳмоннинг бу ташрифи Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги барча соҳалар ривожига, шу жумладан, иқтисодиётдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, уни янги босқичларга кўтаришга хизмат қилади, демоқдалар.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.***

---

## БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН, ДЕСАК...

*Диққат, ўн кунлик!*

***Шу йилнинг 20-30 май кунлари вилоят Давлат автомобиль назорати ҳамда Халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида «Диққат, болалар!» ўн кунлиги ўтказилади.***

Автомобиль йўлларида болаларнинг шикастланишига йўл қўймаслик, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мазкур тадбирнинг асосий омилларидандир. Серқатнов кўчаларда, чорраҳаларда, болалар муассасалари ёнида назорат ишларини кучайтириш, фарзандларимизнинг йўллардан ўтиши хавфсизлигини таъминлаш, мактаб ва болалар муассасаларида «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»ни ўқитиш ишларини кўрикдан ўтказиш, ёзги таътил мавсумига тайёргарлик кўриш, бир сўз билан айтганда, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишлари самарадорлигини ошириш асосий вазифа қилиб олинди.

Тадбирни ўтказишда ДАНБ ходимлари билан биргаликда Ички ишлар бошқармасининг бошқа хизмат ходимлари ҳам иштирок этадилар. Барча хизмат ходимларидан ташкил этилган гуруҳлар вилоят автомобиль йўлларида болалар томонидан йўл қўйиладиган қоидабузарликларни аниқлаш ва уни жамоатчилик ўртасида муҳокама этиш, фуқароларимизга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этишларини тарғиб қилишга эътибор берадилар.

Ушбу тадбирда ДАН ва Халқ таълими бошқармалари билан бир қаторда барча ташкилот, корхона ва жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари фаол иштирок этадилар деган умиддамиз.

Улкан ишларимиз давомчилари, ҳаётимиз гулғунчалари бўлган фарзандларимизни соғ-саломат қилиб ўстириш, уларни мукаммал инсон этиб тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Болаларимизга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўқитиш, ўргатиш, ҳаракатланиш қоидалари кўникмаларини ҳосил қилишимиз зарур. Ана шундагина кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

***Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ, вилоят ИИБ ДАН бошқармаси инспектори.***

---

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**эртага — якшанба** куни вилоятимиз вакили, республика чемпиони **«Дўстлик»** жамоаси ўз майдонида **«Турон»**ни қабул қилади.

**Учрашув соат 17.30да бошланади.**

**Муҳтарам футбол муҳлислари, «Дўстлик» ўйингоҳига марҳамат қилинг!**

# САЙЁР ГУРУҲ ОҚҚЎРҒОНДА

*«Саломатлик дастури»*

***ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бу муассаса тизимидаги Саломатлик марказининг пойтахтимиздаги тиббиёт ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу алоқалар боис, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Врачлар малакасини ошириш институти олимлари бевосита вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб, шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик амбулаторияларида ва пунктлари шифокорларини тиббиёт янгиликлари билан таништирмоқдалар. Уларга амалий ёрдам кўрсатяптилар. Хусусан, мазкур муассаса олимлари Оққўрғон тумани марказий шифохонасида ташкил этилган семинарда турли мавзуларда маърузалар қилишдан ташқари, касалхона бўлимларида бўлиб, амалиёт дўхтирлари билан беморларни назорат қилдилар. Муолажалар борасида маслаҳатлар бердилар.***

***Махсус мухбиримизнинг шу тадбир ташкилотчиси, Республика врачлар малакасини ошириш институти ўқув-маркетинг бўлими бошлиғи, доцент С. М. Раззоқов билан суҳбати анжумандан кўзда тутилган мақсадларга қаратилди.***

**— Саидмурод Маҳмудович, илгарилари ҳам институт олимлари вилоятимиз шаҳар ва туманларида турли тадбирлар уюштирганларидан хабаримиз бор. Бу сафарги сайёр гуруҳлар ўша анъанани тиклаяптиларми?**

— Йўқ, аввалари мутахассисларимиз врачлар билан ҳам, меҳнаткашларнинг турли тоифалари билан ҳам тиббиётга даҳлдор хар-ҳил мавзуларда маърузалар ўқиб, суҳбатлар уюштирган бўлсалар, бу галги ўқув семинарларида машғулотлар шаҳар ва туманларда кўпроқ учрайдиган касалликлар ҳусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўтказилаяпти. Бошқача айтганда, малака ошириш дарсларининг буюртмачилари ҳудудлардаги даволаш муассасаларининг шифокорларидир.

Шуни айтиш керакки, бизнинг дастлабки машғулотларимиз Оққўрғон, Бекобод, Паркент, Қуйичирчиқ туманлари, Бекобод шаҳрининг ҳар бирида уч кунлик дастур асосида олиб борилади. Ана шу вақт давомида тингловчилар таниқли профессор ва доцентларнинг маърузаларини тинглаш имкониятига эга бўладилар.

**— Оққўрғондаги семинарда шифокорлар пойтахтлик мутахассислар маърузаларини ниҳоятда берилиб тингладилар. Врачларнинг янгиликларга ташналиги шундоққина сезилиб турди. Шундай экан бундай семинарларни тез-тез ташкил этиш мумкин эмасми?**

— Фикрингиз ўринли. Тиббиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Республика соғлиқни сағлаш вазирлиги ишлаб чиққан «Саломатлик дастури» ҳам шуни тақозо этиб турипти. Қолаверса, биз шаҳар ва туманлардаги шифокорларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бундай сайёр гуруҳлар чиқишларини жадаллаштириш ниятидамиз. Аммо, врачларни институтга жалб этиб, жадвал асосида ўқитиш услубимиз ўзгармай қолаверади.

**— Оққўрғон туманида ўтган семинарда олимлар шифохона бўлимларида ҳам бўлдилар. Хусусан, институт 2-терапия факультети мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Улуғбек Қаюмов терапия бўлимида, Анестезиология ва реанимация кафедраси профессори Шомурод Носиров шунингдек профессор Ҳамид Фармонқуловлар реанимация бўлимида қатор беморларни муфассал тиббий кўрикдан ўтказдилар...**

— Ҳа. Бу аввалдан режалаштирилган, туманларда ташкил этилган семинарларнинг бош мақсади — шифокорларга замонавий назарий билимлар бериш билан бирга, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамдир. Бундай ҳамкорлик бемор билан муолажа олиб бораётган врачларга мадад ҳисобланади. Даволаш жараёнида мабодо, камчиликка йўл қўйилган бўлса у тузатилади. Ташҳиснинг мукаммаллиги таъминланади.

**— Шу семинарлар ташкилочиси сифатида қишлоқ ҳудудларидаги шифокорларнинг малакаси, савияси ҳақида нималар дея оласиз? Уларни ўқитган мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари қандай?**

Ҳар бир туманда ўтган семинардан кейин ўз фаолиятимиз, тингловчиларнинг муносабатлари, кўрсатилган амалий ёрдам, жойлардаги врачларнинг малакаси хусусида фикрлашиб оламиз. Очиқ айтиш керакки, улар орасида ўз ихтисосига меҳр қўйганлар анчагина. Масалан Оққўрғон туманида бўлганимизда, Тўлқин Алиев, Жамоллидин Азимов, Қаршибой Омонқулов каби врачлар хизматидан қувондик. Муҳими, беморлар улар хақида яхши фикрдалар. Шу билан биргаликда, юқорида ўзингиз эътироф этганингиздек, барча шифокорларда янги билимларга иштиёқ кучлилигини ҳис қилдик. Албатта, амалиёт врачининг назарий қўлланмалар билан чуқур шуғулланиши учун гоҳо имконияти бўлавермайди. Шу боисдан ҳам врачлар малакасини ошириб боришни замон талаблари даражасида ташкил этиш — бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

***Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.***

*Ҳамкасбларимиз*

# ЭЛ АРДОҒИ

***ЎЗБЕКИСТОН радиосининг «Тошкент» студияси ташкил топган давр мобайнида у ўзининг пойтахт ва Тошкент вилояти ҳаётига доир ранг-баранг мавзули эшиттиришлари билан мухлисларига эга бўлди.***

Бу ерда тажрибали журналистлар билан бир қаторда талайгина ёшлар ҳам ижод қилишмоқда. Энг муҳими, жамоа ўзининг аҳиллиги билан ўзгаларга ўрнак бўлаётир десак, янглишмаган бўламиз. Бу ерда фаолият кўрсатаётган ҳар бир журналист қувончи, ташвиши барчаники ҳисобланади. Агар шундай бўлмаганида, эҳтимол бугун сизга таништирмоқчи бўлган ҳамкасбларимиз ҳақидаги қутлов сатрлари ҳам қоғозга тушмаган бўлармиди.

Жорий йилнинг дастлабки ойида бош муҳарриримиз майнинг 23 кунида жамоамиздан икки киши, Асад Фозилов ва Шоирхўжа Сиддиқхўжаевни шарафлаш тадбирини ўтказсин деган таклиф киритди. Ташкилий ишлар келишиб олинди. Мана шу кунга ҳам оз фурсат қолди.

Журналист Асад Фозиловни матбуот аҳли яхши билади. У Ўзбекистон радиосига ишга келгунга қадар кўп йиллар мобайнида «Ўзбекистон овози»да меҳнат қилган. Газетачиликнинг сир-асрорини Мақсуд Қориев, Маъруф Назаров, Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўъмон, Расул Раҳмонов, Ўктам Усмонов каби ўз даврининг забардаст ижодкорлари тарбиясида пухта эгаллаган. Ундаги камтарлик, камсуханлик, ижодга ташналик каби олийжаноб фазилатлар ҳам ўша устозлар таъсирида пайдо бўлгани айни ҳақиқат.

Асад Фозилов томонидан тайёрланган, радио тўлқинларига узатилаётган «Замин ва замондош», «Қадр-қиммат», «Қишлоғимиз кишилари», «Етти хазина» каби эшиттиришларда у кўплаб замондошларимиз қалбига қулоқ тутган. Уларнинг олийжаноб фазилатлари, эл-юрт равнақи йўлида олиб бораётган фидокорона ишлари билан радио тингловчиларни ошно қилган.

Асад Фозилов эфирга бераётган радиоочерклари жамоа бадиий кенгашида ўзининг юқори баҳосини олиб келмоқда.

Геология, минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Сайдираҳмон Мирзаев, қадимшунос олим, профессор Ўткир Исломов, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, Қибрай туманидаги 16-ўрта мактабнинг «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» нишондори Хайрулла Иноғомов, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ғаниҳожи ота Алиев, Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг раиси Эргашхўжа Ниёзов сингари кўплаб кишилар ҳақида ёзилган радиоочерклар муносиб баҳоланган.

Шоирхўжа Сиддиқхўжаев кўп йиллардан бери «Тошкент» студиясида баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб келаяпти. Касбга бўлган садоқат, чинакам меҳр-муҳаббат, одамларга самимий муносабат, камтарлик фазилатлари туфайли у киши Ўзбекистон радиосининг «Тошкент» студияси жамоасининг иззат-икромига сазовор бўлган.

Шоирхўжа Сиддиқхўжаевнинг таржимаи ҳолида қизиқ тафсилотнинг гувоҳи бўламиз. У киши журналистикага савдо соҳасидан кириб келган. Агар биз 60-йиллардаги савдо ходимларининг топиш-тутишини ўша пайтдаги (ҳозир ҳам) журналистлар билан таққослаганимизда, Шоирхўжа аканинг бу соҳага кириб келишини фақат қизиқиш, ҳавас ва касбга меҳр-муҳаббат ўрнида баҳолашимиз мумкин бўлади. Кейинчалик у киши Тошкент Давлат Университетининг журналистика куллиётида ўқиди.

Радиода мухбир сифатида иш бошлаган Шоирхўжа Сиддиқхўжаев бу ерда кечирган 30 йилдан зиёдроқ умрини қишлоқ хўжалиги ҳаётига бағишлаб келди. Ўтган йиллар мобайнида вилоятда унинг қадами етмаган бирорта туман, жамоа хўжалиги қолмаган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Деярли ҳар куни радиотингловчилар у киши тайёрлаган репортаж, лавҳа, очерк ва бошқа дала ишларини ёритувчи материаллари билан танишадилар. У киши тайёрлаган лавҳалар ўзининг бадиий яхлитлиги тилининг жозибаси, мулоҳазаларнинг теранлиги билан ажралиб туради.

Биз ҳамкасбларимиз Асад Фозилов ва Шоирхўжа Сиддиқхўжаевни муборакбод этиб, уларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик, куч-қувват тилаймиз.

***А. МИРҲАБИБОВ.***

# БУЮК АЛЛОМАЛАР ЁДИ

Маълумки, бу йил мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ислом илмининг буюк дарғаларидан бири Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ҳамда фиқҳ илмининг асосчиларидан бири Бурҳониддин Ал-Марғиноний ҳазратларининг ҳижрий сана билан 910 йиллиги юбилейлари кенг нишонланади. Айни вақтда Мотуридий таваллуд топган Самарқандда, Бурҳонуддин Марғиноний туғилган Риштон ва ул зот яшаб ўтган Марғилон шаҳарларида жуда катта ҳажмда қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бундай хайрли ишлардан турли корхона ва ташкилотлар, саҳоватпеша фуқаролар ҳам четда тургани йўқ.

Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд шаҳрида қурилажак «Алломалар ёдгорлик мажмуи» учун йигирма миллион сўм, Марғилон ва Риштонда қуриладиган юбилей иншоотлари учун ҳам йигирма миллион сўм пул ажратди.

Ушбу маблағ ёзилган чекни топшириш чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раҳбари муфтий Абдурашид Қори Баҳромов аждодлар хотирасини тиклаш ва уларга муносиб иззат-икром кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини таъкидлади. Бу ишга ҳукуматимиз ва шахсан Президент Ислом Каримовнинг бош-қош бўлиб тургани ҳаммамиз учун ибратлидир.

***Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.***

*Қўшма корхоналарда*

# ЎЗ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ БОР



***Ўзбек ва болгар тадбиркорлари биргаликда барпо этган бу қўшма корхонага «ЛОРЕНА» деб ном қўйишди. Ўтган йилнинг 22 сентябрида рўйхатга олинган бу корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини 15 декабрдаёқ харидорлар ҳукмига ҳавола қилди. 500000 долларлик низом жамғармасига ҳар икки томон баравар улуш қўшди.***

«ЛОРЕНА» холдинг компаниясининг ташаббуси билан ташкил этилган корхонада ишлаб чиқарилаётган дастлабки маҳсулотлар ички истеъмол бозорига дадил кириб борди. Икки хил кимёвий тозалаш воситалари саккиз турда қадоқланиб, тайёрланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 61 минг дона, жами 4 миллион 130 минг сўмлик маҳсулот савдо шоҳобчаларига чиқарилди. Улар четдан келтирилаётган ёки шу ерда ишлаб чиқарилаётган ўхшаш маҳсулотларга нисбатан арзонлиги, сифати юқорилиги учун харидоргир бўлмоқда.

Қўшма корхона жамоаси истиқболга ҳам ишонч билан қарамоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини муттасил кенгайтириб бориш назарда тутиляпти. Ўтган йили 23 миллион 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлса, бу йил 23 миллион 700 минг сўмлик асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. 29 нафар ишчи-хизматчидан иборат жамоа сафига яна 24 нафар янги ишчилар қўшилади.

Келажакда автомашиналарни ювиш воситалари, ойна тозалагичлар, оқартирувчи моддалар, шампунларни ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалари бор.

– Қўшма корхонамизни ишга туширишда болгариялик шериклар яқиндан ёрдам бердилар, – дейди унинг бош директори Абдунаби Мамадалиев. – Мураккаб асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва созлашда уларнинг хизматлари катта бўлди. Бизда бундай мураккаб ишлаб чиқариш воситаларидан хабардор бўлган мутахассислар йўқ эди. Шериклар 12 нафар маҳаллий йигит-қизларга бу асбоб-ускуналарни бошқаришни ўргатдилар. Ҳозир уларнинг ўзи барча жараёнларни бемалол бошқаришяпти.

Корхона асосан маҳаллий хомашё билан ишламоқда. Бу унинг тўртдан уч қисмини ташкил этяпти, қолган чорак қисми эса хориждан келтириляпти. Германиядан бўёқлар, Россиядан полипропилен, Болгариядан эса хушбўй ҳид берувчи моддалар олинмоқда.

Корхона маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам назарда тутилган. Ҳозирнинг ўзида қатор узоқ ва яқин чет эл мамлакатлари фирмалари билан музокаралар олиб борилмоқда. Чунончи, Арманистон, Қозоғистон, Россия ва Олмония билан шартномалар тузилмоқда. Биринчи 4 миллион сўмлик маҳсулот Россияга жўнатиш учун тайёрланяпти.

***Даврон АҲМЕДОВ.***

*СУРАТЛАРДА: илғор оператор Ҳолида Хожиева (юқорида); бир гуруҳ ишчилар маҳсулотни жўнатишга тайёрламоқдалар; корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Равил Каримов (ўнгда) оператор Илҳом Собиров билан ҳозиргина конвейердан тушган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.*

**Муаллиф олган суратлар.**





# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Оққўрғон туман бўлими навбатдаги хайрли тадбирни амалга оширди. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлари бўлган 17 нафар қарияларнинг хонадонига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. 25 минг сўмлик совға-саломлар ҳадя этилиб, уларнинг кўнгли кўтарилди.

***Ўз мухбиримиз.***

# БУҒДОЙЗОРЛАРНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

*Долзарб мавзу*

***ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ эрта куздан буёнги саъй-ҳаракатлари билан вилоятимиз далаларида мўл дон ҳосили етиштирилмоқда. Эндиги асосий вазифа уни нес-нобуд қилмай, ўриб-янчиб олишдан иборат. Бу эса ғаллакорларимизга катта масъулият юклайди. Чунки, донни етиштириш қанчалик машаққатли бўлса, уни табиий офатлардан, жумладан ёнғиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир.***

Ёнғин — тилсиз ёв деб бежиз айтилмаган, албатта. Айрим кишиларнинг лоқайдлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги оқибатида ғаллазорларда ёнғин чиқиши ва халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган доннинг бир қисми кулга айланиши ҳеч гап эмас.

Шу муносабат билан вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси ғалла ўрим-йиғимини исрофгарчиликсиз ўтказиш мақсадида хўжаликларда техника воситаларини ёнғинга қарши тайёрлаш, бутун мавсум давомида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахсларни тайинлаш, ғалла майдонларини қўриқлаш учун постлар ташкил этиш ва кузатувчилар ажратиш чораларини кўрмоқда.

Ўрим-йиғим мавсумида ишлатиладиган барча техника воситаларининг тайёрлиги хўжаликларда тузилган махсус комиссия томонидан давлат ёнғин назорати ходимлари иштирокида текширилади. Трактор, комбайн ҳайдовчилари, механизаторлар, йиғим-теримга жалб қилинган масъул ходимлар тўрт соатлик махсус ёнғинга қарши йўриқнома билан танишишлари шарт. Ундан ўтмаган ходимларнинг йиғим-терим ишларида қатнашишлари ман қилинади. Комбайнлар, трактор ва бошқа транспорт воситалари учқун тутгич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим.

Автомобиль ва темир йўллар билан ғаллазорлар оралиғидаги буғдой ўриб олиниб, тўрт метрдан кам бўлмаган кенгликда шудгорланади.

Ғаллакорларнинг вақтинчалик дам олиш, овқатланиш жойлари ғаллазорлардан камида 100 метр узоқликда бўлиб, уларнинг атрофи 4 метр кенгликда шудгорланади ва бу ерда чекиш учун махсус тайёрланган жой ажратилади. Буғдойзорлар яқинида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш, таъмирлаш ишлари олиб бориш қатъиян ман этилади. Ўрим ишлари олиб борилаётган майдонлар яқинида плугли тракторларда навбатчилик ташкил қилиниши шарт.

Буғдойни қуритиш, вақтинча сақлаш хирмонлари ва омборлари ғаллазорлардан 100 метр, бошқа бино ва курилмалардан эса 50 метр узоқликда бўлиб, уларнинг атрофи қуруқ ўтлардан тозаланиб, 4 метр кенгликда шудгорланади ва ҳар 200 квадрат метр майдонга битта кимёвий ўт ўчиргич (ОХП-10), битта 200 литрли идишда сув ва челак билан таъминланиши керак.

Комбайн ва бошқа транспортларнинг айланувчи қисмлари сомон ва хашакдан тез-тез тозаланиб турилиши лозим. Уларга ёнилғи қуйиш учун махсус автоуловлардан фойдаланилади. Ёнилғи қуйиш пайтларида двигателлар ўчирилган бўлиши шарт. Тунда ёнилғи қуйиш ман қилинади.

Дам олиш пайтларида комбайнларни ғаллазорларда қолдириш таъқиқланади. Улар ғаллазорлардан 30 метр четга олиб чиқилиши ва махсус тайёрланган майдонга қўйилиши керак.

Ўрим мавсумида кўнгилли ўт ўчириш гуруҳларидан кузатувчи навбатчилар тайинланиши, дала шийпонлари ёнғин ҳақида хабар берувчи воситалар (сирена, сигнал ёки темир парчалар) билан таъминланиши шарт.

***Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ, вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси.***

*Тақдимот*

# ТЕРРОРИЗМ — ЖИДДИЙ ХАВФ

Москва музейларида Россия пойтахти зиёлилари учун ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган ижодий учрашувлар анъанага айланган. Куни кеча ёзувчи А.Н. Толстой уй музейида бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида ўтган йили февраль ойида Ўзбекистон пойтахтида содир этилган қонли воқеаларга бағишланган «Вольчя стая» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Москвадаги «Вече» нашриётида чоп этилган бу китобни ва унинг муаллифи — асли Ўзбекистонда туғилган таниқли халқаро журналист ва ёзувчи Олег Ёқубовни йиғилган прозаик, шоир, танқидчи ва етакчи адабий журналлар муҳаррирларига Россия таълим академиясининг илмий котиби, тарих фанлари доктори Лола Звонарова таништирди.

Ушбу китобнинг ёзилишига тасодиф туртки берган. Муаллиф 16 февраль куни эрталаб Тошкентга учиб келади ва шаҳар марказида бир неча соатдан кейин, тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлган портлашларнинг гувоҳи бўлади.

О. Ёқубов китобни ёзиш жараёнида терроризмга қарши курашиш соҳасидаги етакчи ғарб экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ағдариб ташламоқчи бўлганларни фош қилган ва чет эл ҳамкасблари билан бирга қисқа муддатда террористик ҳаракатнинг асосий ижрочиларини ҳибсга олган Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан учрашади. Жиноятчилар билан суҳбатлашади.

Терроризм сўнгги йилларда халқаро характерга эга бўлиб, нафақат айрим давлатларга, балки бутун инсониятга хавф солаётганини китобхонга етказиш муаллифнинг асосий мақсади эди.

***О.ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА Москва.***

# СИЗ ҲАМ ФИКРИНГИЗНИ АЙТИНГ!

*Луқма*

*Йўлим тушиб, Олмалиқ шаҳрига боргандим. Юмушларимни битирдиму ортимга қайтаётиб, кўча четида суҳбатлашиб турган аёлларнинг гап-сўзлари эътиборимни тортди. Қўлларида челак тутган бу аёлларнинг ҳасратларидан чанг чиқарди. Сув танқислиги муаммоси борлигини фақат айрим қишлоқлардагина эшитганман. Аммо, Олмаликдек нуфузли, каттакон шаҳарнинг кок марказида бу муаммо ҳақида сўз юритилаётгани бироз бўлсада эриш туюлди.*

— Меҳмонга ўхшайсиз ака, — деди ўзини Нигора Хазратова деб таништирган аёл. — Мана шу рўпарадаги 10-домнинг иккинчи қаватида яшайман. Ўзингиз биласиз, сувсиз тирикчилик қилиб бўлмайди. Ора кунда бир неча кунлаб сувсиз ўтирамиз. Нимасини айтасиз, сувсиз яшашга ҳам кўникиб қолдик. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг учинчи турар жой биноларидан фойдаланиш идорасига қарашли 10, 12 ва бошқа кўп қаватли уйларда сурункасига сув бўлмаслиги одат тусига айланиб қолган.

— Челак кўтариб, туну кун сув излаб умримиз ўтаётганини айтмайсизми, овсинжон. — дея суҳбатга қўшилади ўзини Меҳрихон деб таништирган ёшгина жувон. — ЖЭК раҳбарларига арз қилиб бораверib, оёғимизда оёқ қолмади. Ҳеч бўлмаяпти. Эй, у ёғини сўраманг, меҳмон ака!

Дарҳақиқат, хонадонларда сув бир бўлиб, бир бўлмай, одамлар сарсону саргардон бўлиб юрган пайтда 12-уйнинг ёнгинасидан ўтган қувурдан оқаётган сувнинг ён-атрофга тошиб ётиши кишини ажаблантирмай қўймайди.

Шаҳарнинг 67-даҳасига қарашли кўп қаватли биноларнинг атрофи одам ҳазар қиладиган даражада ифлос, уюм-уюм ахлатлар эса, ўзини «кўз-кўз» қилиб ётибди.

Бу ерда яшовчи нафақахўрлар Юлия Кучарёва, Юрий Бунякин ҳамда Нигора Хазратовалар истиқомат қиладиган хонадонларда эса, ҳавога булут чиқди дегунча, типирчилаб қолишади. Бу уйларнинг томини таъмирлаш учинчи турар-жой биноларидан фойдаланиш идораси раҳбарларининг тушларига ҳам кирмайди, чоғи.

Хуллас, шаҳарнинг қоқ марказидаги 67-даҳа, Мустақиллик кўчасида яшовчи фуқароларнинг арзу додини ким эшитади?

Мен бу ҳақли саволни Олмалиқ шаҳар ободонлаштириш ва сув-оқава бошқармасида ўтирган мутасадди акахонларга бермоқчи бўлувдим, аммо, кун кеч бўлиб қолганлиги сабабли иложи топилмади.

Ҳеч бўлмаса, 67-даҳадаги аҳволни яхшилаш бўйича Олмалиқ шаҳар ҳокимлигидан бирор жўяли маслаҳат чиқиб қолар деган умидда сафар чоғида кўрган-билганларимни сизга айтгим келди.

***Абдурафиқ МАҲКАМОВ, журналист.***

*Кино*

# «ФЕЛЛИНИ»

***ЎЗБЕК киноижодкорларининг янги «Феллини» деб номланган фильми томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри ёш киноижодкор Нозим Аббосовдир. У кинодаги фаолиятини рассом сифатида бошлаб, режиссурада ҳам ўз имкониятларини синаб кўрди.***

«Феллини» — бош қаҳрамон Ўрозбойни ҳамқишлоқлари шундай деб чақиришади. Уни машҳур итальян режиссёрининг номи билан аташлари бежиз эмас. Чунки Ўрозбой — кинонинг ашаддий мухлиси, кино унинг ҳаёти мазмунидир. Фильмда қаҳрамон яшаётган Мўйноқ орқали халқ дардига айланган Орол денгизи муаммоси ўз аксини топган. Бу дардли мавзу инсоний муносабатлар, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва бефарқлик воситасида очиб берилади. Мавзуга янгича ёндошув, воқеликлар йўналишидаги кутилмаган ҳолат ва ечим фильмнинг таассурот даражасини таъминлаган. «Феллини»нинг ғояси режиссёр топилмалари, истиора ва рамзий лавҳалар уйғунлигида ифодаланган. Тасвирчи ва рассом зиммасида фалсафий мушоҳадаларга ҳақиқат ва хаёлот олами қоришиб кетган лавҳаларни, мустабид тузумнинг инқирозга юз тутаётган сўнгги даврини акс эттиришдек мураккаб вазифа турган эди. Ижодкорлар мавзунинг ғоявий ва тасвирий уйғунлигига эриша олганлар. Фильмдаги мусиқа ҳам қаҳрамон ҳолатларини, руҳий кечинмаларини очиб беришга қаратилган. Тасвирчи Ринат Галиев, мусаввир Қаҳрамон Нуриддинов, бастакор Дмитрий Яновский режиссёрнинг мақсад-ўйларини мураккаб тасвирий ечимда лавҳаларга муҳрлаганлар.

«Феллини» фильмидаги бош қаҳрамонлар образини бошловчи актёрлар Абдулҳай Шермуҳамедов ва Зебо Нурузовалар талқинида кўрамиз. Абдулҳай профессионал актёр бўлмаса-да, кинонинг фидойиси, ўзи рассом, экранда у ўз ҳаётини, фикр-қарашларини акс эттирди. Шундан бўлса керак, қаҳрамони Ўрозбойнинг дил изтиробларини самимий ижро этган. Актриса Зебо Нурузова учун ҳам «Феллини» фильмидаги Хадича образи катта синов бўлди. Ўрозбой ва Хадича ўртасидаги диалогларда актрисанинг драматик иқтидори намоён бўлган.

Қолган ролларни Баҳтиёр Зокиров, Ҳожиакбар Нурматов, Сайдулла Молдахонов, Мелис Абзалов, Тўхтасин Муродов, Назира Абзаловалар ижро этишди.

«Феллини» фильмининг асосий ғояси ёлғон сафсаталарга асосланган шўролар сиёсатининг муқаррар инқирози, халқнинг келажакка бўлган умид-орзулари асло сўнмаслигини ифода этишдан иборатдир.

***Феруза НОДИРОВА.***

# АРМОНЛАРИ ЁНИБ КЕТГАН ОНАИЗОР

***Қўшни ҳовлидан радио орқали таралаётган ёқимли қўшиқ Акмалнинг бутун вужудини ларзага солгудек эди. Қўшиқни янада яхши эшитиш мақсадида у боғ этагидаги каттакон ўрик олдига яқинроқ борди.***

Не кўз билан кўрсинки, ҳалиги қўшиқ таралаётган қўшни уй томидан бурқираб тутун чиқмоқда эди. Акмал бир зум гангиб турди-да, сўнг қўрадан ошиб, қўшни ҳовлига ўтди. Тутун борган сари авжига чиқар, уй ёнмоқда эди. Чидаб туролмади. Югуриб ёнаётган уй айвонига чиқди. Уйда ҳозир Ҳанифа кампир ўзи ёлғиз яшашини биларди. Эшикни тортиб кўрди. Қулф эди. Ташқаридаги дераза томон чопиб кетди. Афсус, деразалар ҳам очилмайдиган қилиб михлаб ташланган экан. Бор овози билан одамларни чақирди:

— Ёрдам беринглар, уй ёнаяпти!

Одамлар ёрдамга келгунча тандирхонадан болта топиб, уй эшигини буза бошлади. Бу орада ён қўшниси Аброр ака ва бир неча қиз-жувонлар етиб келишди. Улардан бири ўт ўчириш қисмига сим қоққани югурди. Акмал ва Аброр ака эшикни бузиб очиши билан ичкари хонадан аччиқ тутун бурқсиб чиқди. Тутун ҳидига қўшилиб одамнинг кўнглини айлантирувчи қўланса ҳид ҳам бурунга уриб, нафасни бўға бошлади. Аброр ака орқага бир неча қадам тисарилди:

— Акмал ука, тезроқ ҳаракат қил. Ханифа кампир ёнаётганга ўхшайди. Тезроқ бўлақол, укажон. Ханифа кампирни қутқар.

Акмал ичкарига шитоб билан отилиб кириб кетди. Ёнаётган Ханифа кампирни даст кўтариб, ташқарига олиб чиқди. Бироқ, кампирнинг жони узилиб бўлган экан. Ёрдамга келган қўни-қўшнилар ёнаётган мурда устига сув сепиб, ўчиришди...



Ханифа ёстиқдоши Эшпўлатни фронтга кузатганда эндигина йигирма олти ёшга кирганди. Унинг олти ёшли ўғли Тошпўлат ҳам отаси билан йиғлаб хайрлашганди. Қишлоқда фақат кексалар, аёллар ва ёш болалар қолган кезлар.

Жавзо ойи. Ғўзалар гулга кирган вақт. Колхозчилар чопиқ қилаётганди. Узоқдан елкасига сумка осиб олган хат ташувчи кўринди. Уни кўрган аёллар безовталаниб қолишди. Бу бежиз эмас, чунки ўша пайтда қишлоққа кўплаб «қора хат» келиб турарди. Хат ташувчининг юраги ҳам безиллаб қолган. Нима қилсин, бечора.

У не-не хаёллар билан хотин-қизларнинг энг кексаларидан бири Робияга яқинлашиб, нималардир деб шивирлаб, бўлган воқеани айтиб берди. Робия қўлида қандайдир хат олиб келиб, Ханифага кўз-ёши қилди. Фашистларни қарғади, лаънатлади.

Ханифанинг ўғли Тошпўлат отадан эрта етим қолди. Ханифа бор аламини меҳнатдан олди.

Уруш ҳам тугади. Орадан йиллар ўтди. Тошпўлат ўсиб улғайди. Ханифа турмушга чиқсам ўғлимнинг тақдири не кечаркин деган ўй билан бошқа оила қурмади. Топганини фарзандига берди. «Кексайиб, кўздан қолганимда ўғлим елкамдан суяр», деган умид билан яшарди.

Афсуски, Тошпўлат мактабни тугатиб, бирор тузукроқ касбнинг бошини тутмади. Аксига олиб, ёш бўлишига қарамай ичкиликка ружу қўйди. Баъзан кечалари тун қоронғусида ширакайф ҳолда гандираклаб кириб келар, уйда қўлга илинган нарсаларни чилпарчин қиларди. Боқиб катта қилган онасини куракда турмайдиган ёмон сўзлар билан хақоратлар эди.

Кунларнинг бирида Тошпўлат ичиб олибди деган қўшни аёлни тош билан уриб, бошини ёриб қўйди. Бечора аёл кўп қон йўқотиб, бир неча хафта шифохонада даволанди. Ханифа опа шифохонада ётган қўшниси Озоданинг олдига кунора қатнар, ёлғиз ўғлининг гуноҳидан ўтишини сўрарди. Онаизорнинг кўз-ёшини кўрган Озода ҳам қиёматли қўшнисининг юзига оёқ босмади. Тошпўлатнинг гуноҳидан ўтди. Лекин, қонун уни кечирмади. Суд ҳукми билан безорилиги учун катта миқдорда жарима солди.

Орадан кўп ўтмай қишлоқда яшовчи Анорбой отанинг она-бола сигирини ўғирлаб, янада каттароқ жиноятга қўл урди. Бу гал суд ҳукми билан у беш йил қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Бундай кўргиликлар Ханифа опанинг сочларига барвақт оқ туширди. Бу ҳам етмаганидек, қадди-қомати букилиб, касалманд бўлиб қолди.

Негадир кейинги пайтда Ханифани кўча-кўйда кўринмай қолганлигини сезган ён қўшниси Адолат хола ундан хабар олгани уйига чиқди. Эски деворлари нураб кетган кўримсизгина хонада ҳурмачадек бўлиб, инграб ётарди.

*Турмуш чорраҳаларида*

— Вой шўрим, нега кўринмай қолдингиз, десам гап буёқда экан-да. Ҳай, Ханифахон, сизга нима бўлди ўзи? Нима, тобингиз йўқми?

Ханифа бошини аранг ёстиқдан кўтариб:

— Ҳа, қўшнижон, негадир тобим йўқ. Баданларим қалтираб, этим уюшиб, буйрагим ҳам санчиб оғримоқда. Ҳеч қиси йўқ қўшнижон, бироз шамоллаган кўринаман, ўтиб кетади. Шу денг, қўшнижон, бошимни ёстиққа қўйдим, деганча ўғлим Тошпўлат кўз олдимга келаверади.

— Қўйинг, кўп куйинаверманг. Ўғлингиз Тошпўлатни ҳам эси кириб қолар. Эсон-омон қутилиб чиқса тўғри йўлини топиб олар.

— Илоҳо, айтганингиз келсин, қўшнижон. Яхши кунларингизда хизмат қилай.

Аммо, назаримда ўғлим билан юз кўришиш менга насиб қилмайдигандек туюлаверади. Билмадим, куним битиб қолганга ўхшайди...

Эртаси куни тонг саҳарда қишлоқда даҳшатли фожиа юз берди. Ханифа кампир танчада ухлаб ётганда кўрпанинг бир чети чўғга тегиб, аланга олиб ёниб кетди...

Ўша куни икки оёғи буткул ёниб кул бўлиб тушган Ханифа кампирни қишлоқ аҳли, қўни-қўшнилар ҳурмат билан дафн этишди. Онаизорнинг дафн маросимида ягона ўғли Тошпўлат қатнаша олмади. Волидаси қабрига бир сиқим тупроқ ташлашни ноқобил фарзандга Худо ҳам раво кўрмади.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

# ТИЛ — ЖИЙРОН ҚАШҚА...

- Ҳунарсиз одам — енги йўқ чопон.
- Раъно гул боғчада,
  Рангпар гул токчада.
- Илон заҳри дори бўлгандай,
  Ёлғон яхшиликка ундаса гапир.
- Ҳамма саллалик — мулла эмас,
  Ҳамма ялтироқ — тилла эмас.
- Тоғ билан дўстлашсанг бағрин очар,
  Чаён билан дўстлашсанг заҳрин сочар.
- Тил — жийрон қашқа. Пойгада соврин олиб беради,
  ё елкангга ташвиш солади. Бу чавандозга боғлиқ.
- Уруғини сараламай эккан — лагандан овқат еган турнага ўхшайди.
- Туҳмат — каламуш, юракни кемиради.
- Ваъдабоз — қияликдаги муз, эҳтиёт бўлмасанг, йиқитади.
- Уйқучи — кўпчиган хамир, зувала қилиб, нон ясаш керак.
- Кўп гап — кузги хазон, бирини эшитиб, бирини супириб толиқасан.
- Сергап — қум тўла тешик қоп. Тешик қопда қум турмайди.
- Ишқсиз қалб — ой, юлдузсиз тун.
- Садоқат минг бир синовдан ўтгач, номингни нурга ўрайди.

***Тошпўлат ХОЛМАТОВ.***
***Қуйичирчиқ тумани.***

# ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

Ҳар доим тушликка енгил автомашинада келувчи эрининг бу гал пиёда келганини кўрган хотин сўради:

— Намунча шалвираб келяпсиз?

— Хўжайин ишдан бўшатиб юбордилар. Қўйявер ГАЗ-31 бўлмаса, ЛАЗми, ПАЗми ҳайдарман.

— Вой, нега ишдан бўшатади?

— Чунки унинг гавдаси озғин, кичкина, меникини кўриб турибсанку — семиз, новчаман.

— Озғин билан семизликнинг ишга нима дахли бор?

— Кеча Мамарайим Абдурайимовичникига тўйга борган эдик. Ҳай, тўхтаб туринглар дегунимча, мени меҳмонхонага, хўжайинни ҳовлига ўтказишиб, меҳмон қилишди.

* * *

Сигарета тутунидан кўзи ачишган Олимхон кўзини ишқалаб, чой дамлаб келган котибага суқланиб деди:

— Чойингиз ўзингизга ўхшаб ширинми?

Жаҳли чиққан котиба ўзини тутиб деди:

— Йўқ махоркага ўхшаб аччиқмиз.

* * *

Муғомбир хотин инқиллаб эрига деди:

— Дадаси, фол очирдим: қўшимча тилла тақинчоқ тақсам, соппа-соғ бўлар эканман.

— Фолбининг нотўғри айтипти. Мана мен ҳам фол очирдим, у ҳақиқат гапни айтди. Сенинг касалинг ўзари, ҳасад касали экан. Шунинг учун атайлаб сенга кўлвор илон, зулук олиб келдим, зора шулар орқали тузалиб кетсанг.

— Вой-вой, дадажониси, сиз билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я! Мен «как корова здоровийман».

* * *

Хотин ишга деб кетган эрини дўконда ёш аёл билан учратиб, сўроққа тутди:

— Ҳа, Бўрибойжон, бу ойпарини таништирмайсизми?

— А, бу... жу... гу...

— Ҳм, жа ғўлдираб қолдингиз?

— Ия, булар ишхонамизнинг янги раҳбари-ку!

Ёш аёл тушунмай. Бўрибойдан сўради:

— Боря, кто это?

— Э-э это — наша руководитель...

***Мавлуда ЭГАМНАВАРОВА.***

# УМР ҚАДРИ



*СУРАТДА: Нурали ота умр йўлдоши Баҳри ая билан невараю эваралар даврасида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

БУ гапни кексалар даврасидаги суҳбатлардан бирида ёшлари тўқсонни қоралаб қолган бир нуроний отахондан эшитгандим: «Инсон фарзанди Аллоҳ марҳамати билан узоқ йиллар яшайвериши мумкин. Лекин, ҳамма гап ана шу ҳаёт йўлига қандай мазмун бахш этишда. Вақти-вақти билан ортдаги изларни сарҳисоб қилиб туриш ҳам керак. Бировнинг дилига озор бермадингми, меҳнатинг билан эл-юртга нафинг тегдими, фарзандлар камолини кўзладингми, умр қадри ҳақида ўйлаб кўрдингми? Ҳа, инсон умри нафақат йиллар билан, балки, қадр-қиммат билан ўлчанади.

Сўлим Оҳангарон водийсининг «Унгут» қишлоғида қатор-қатор ўғил-қизларни вояга етказган, пиру-бадавлат хонадон соҳиби саксон ёшли Нурали ота Хотамовнинг таржимаи ҳоли билан танишганимизда, «Умр қадри» деган икки оғиз сўз ўзгачароқ мазмун билан жилоланди. Бу бежиз эмас. Ота бу қутлуғ довонга етгунга қадар чинакам шарафлашга лойиқ бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ўн икки ёшида қўлига кетмон тутиб далада ишлади. Кейин ўқиб, ҳисоб-китоб ишларига берилди. Уруш йилларида Тошкент-Ангрен темир йўлини қуришда, каналлар қазишда йигитлик қувватини синаб кўрди. Сўнгра у собиқ «Оҳангарон» колхозида раис муовини лавозимида фидокорлик кўрсатди. Энди у ўтган йиллар хотираси билан яшамоқда. Ёнида меҳрибони Баҳри ая, қатор-қатор фарзандлари, невара, эваралари.

Яқинда қишлоқ аҳли отанинг саксон йиллигига бағишланган тантанани нишонлади. Оддийгина меҳнаткаш хонадонидаги қувончлар бутун «Унгут»га тарқалди. Меҳнатда топилган қадр инсонни ҳамиша эъзозлар экан. Бунга Нурали ота ҳаёти ёрқин мисол.

# БИРИНЧИ ДОИМ БИРИНЧИ

*ХАР БИР нарсанинг ўз тарихи, ихтирочилари бўлганидек, шарикли ручканинг ҳам ўз кашфиётчиси бор. Уни ака-ука журналист, мусаввир, кимёгар Ласло ва Йожефлар кашф этганини ҳамма ҳам билмаса керак. Йожеф Биро тез-тез босмахонага бориб турар, айниқса, уни газета варағини ротация машинасидан чиққан захотиёқ қуриб қолиши ўйга толдирарди. Абадий перо найчасини босмахона бўёғидек тез қурийдиган бирон-бир сиёҳ билан тўлдириш мумкин эмасмикан? Қани энди авторучкада шундай қилишнинг иложи бўлса. Лекин бунақа сиёҳ қуюқ бўлиши керак-ку! Бунақа қуюқ сиёҳ авторучканинг капиллярлар системасидан ўтмаслиги турган гап. Демак, қандайдир ёзув мосламаси топиш керак.*



**Бу қизиқ**

Й. Биро кимёгар акаси билан маслаҳатлашиб, перони айланувчи шарча билан алмаштирди. Натижада 1938 йил шарикли ручканинг дастлабки тажриба нусхаси дунёга келди.

II Жаҳон уруши арафасида Венгрияда рўй берган сиёсий ўзгаришлар муросасиз журналист Й. Бирога ҳам хавфли бўлди. У Парижга бориб, ихтироси учун тегишли ҳужжат — патент олди. 1934 йили Испанияга, 1940 йили Аргентинага бориб, моддий ёрдам кўрсатиш учун Максаленнодек бадавлат одамни кўндирди. Натижада, Биро шарикли ручка яратди. У кашф қилган мўъжазгина ручкани ишлаб чиқарадиган махсус машина яратилди. Фабрика 1943 йилдан Аргентинада шарикли ручка ишлаб чиқара бошлади. Унга талаб тобора оша борди, муаллиф ва ҳомийга мўмайгина даромад келтирди. Шарикли ручканинг дастабки харидорлари дунё учувчилари бўлгани шубҳасиз. Учувчилар баландликка кўтарилганлари сари босимнинг камайиш таъсирида махсус сиёҳнинг оқиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Шарикли ручка ҳақидаги гаплар АҚШ мудофаа вазирлиги «қулоғига» ҳам бориб етди. У ҳарбий ходимлар учун кўп миқдорда шундай ручкалар ишлаб чиқаришни зудлик билан амалга ошириш ҳақида фармон берди.

Биро 1944 йил АҚШда патент олиб, 2та йирик ширкатга лицензия сотди. Аммо устаси фаранг америкалик М. Рейнолда деганлари шарикли ручка конструкциясига бироз ўзгартиришлар киритиб, ҳеч қандай лицензиясиз кўплаб шарикли атворучкалар ишлаб чиқарганини кўрган Йожеф Биро уни судга берди.

М. Рейнолда анойилардан эмас эди. У сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, 1888 йили Ж. Дауд деган ихтирочининг той ва қутиларига ёзиш учун яратилган, аллақачон унут бўлиб кетган Америка патентини рўкач қилиб унинг ручкалари, Лауд кашф қилган ручканинг кичрайтирилган нусхаси экани, аммо Й. Биро системасига мутлақо алоқасиз эканига суд ҳайъатини ишонтирди.

Шарикли ручкаларга харидорлар кўпайди. 1945 йил 19 октябрида Нью-Йоркдаги катта универмагда одамлар навбатининг узунлиги бир неча юз метрга етди. 50 нафар полициячи харидорларни тартибга солиб турди. Бир соатда 10.000 дона шарикли ручка сотиб бўлинди. Кашфиёт соҳиби Й. Биро адолатсизлик туфайли 1947 йил АҚШни ҳам тарк этиб, ўз жонажон Ватани Венгрияга қайтиб келди. Бошқа кашфиёт билан шуғулланмай, қолган 38 йиллик умрини мусаввирликка бағишлаб, эл-юртнинг ардоғини қозонди. Барибир, шарикли ручка кашфиётчиси ака-ука Биролар номини тарих асло унутмайди.

***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.***



*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# НАВБАТ РЕСПУБАИКА БОСҚИЧИГА

***ТОШКЕНТ вилояти халқ таълими тизимидаги умумтаълим ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасидаги вилоят биринчилигининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувлар вилоят шаҳарлари ва туманлари бўйича алоҳида ўтказилди.***

ШАҲАРЛАР ўртасида Чирчиқ, Ангрен ва Олмалиқ жамоалари энг кўп спорт турлари бўйича мукофотли ўринларни эгаллайдилар. Жумладан, чирчиқликлар волейбол, қўл тўпи, дзюдо, самбо, юнон-рум кураши, шашка турлари бўйича биринчи бўлишди. Ангренликлар эса, боскетбол, стол тенниси, бокс, шохмот турлари бўйича ҳаммадан устун келдилар. Футбол, сузиш, эркин кураш мусобақаларида ҳеч бир жамоа олмаликликларга тенг келолмади.

Туманлар ўртасидаги баҳсларда юқоричирчиқликлар қўл тўпи (қизлар), стол тенниси, миллий кураш, теннис, шашка (ўсмирлар), қибрайликлар баскетбол, волейбол (қизлар), шохмот, ўртачирчиқликлар қўл тўпи (ўсмирлар), футбол, шашка (қизлар), шунингдек, пскентликлар волейбол (ўсмирлар), паркентликлар фарғонача кураш, зангиоталиклар эса турон кураши бўйича биринчи ўринларни эгаллашди.

Спорт турлари бўйича биринчи ўринларни олган вилоят шаҳар ва туманлари вакиллари ушбу мусобақаларнинг республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

***Ўз мухбиримиз.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# «ҚОРАХИТОЙ» КУЧЛИ УЧЛИКДА

O'ZBEKISTON CHEMPIONATI 2000

***ФУТБОЛ муҳлисларига маълумки, Ўзбекистон чемпионати иккинчи табақасининг Тошкент вилояти биринчилиги мусобақалари 23 апрелда старт олган эди. Вилоят шаҳар ва туманларидан 11та жамоа иштирок этаётган ушбу биринчиликда бугунгача тўртта тур ўйинлари ўтказилди.***

ТУРНИР жадвалининг биринчи поғонасини эгаллаб турган Оҳангарон шаҳрининг «Оҳангарон-Ф» жамоаси тўрт турнинг бирортасида мағлубиятга учрамади. Фақат бир ўйинни дуранг билан якунлаб, қолганини ўз фойдасига ҳал қилди. Рақиблар дарвозасига 16та тўп киритди. Бу энг юқори натижадир. 9 очко билан иккинчи ўринда бораётган Оҳангарон туманининг «Қорахитой» жамоаси ҳам ҳар учрашувда ўртача учтадан тўп киритиб, сермаҳсул ўйин кўрсатмоқда. Оққўрғон туманининг «Акмал» жамоаси ҳисобида ҳам 9та очко бор. Тўплар нисбатига кўра, улар учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

17 май куни бешинчи тур ўйинлари ҳам бошланди. Шу куни иккита учрашув бўлиб ўтди. Тошкент туманининг «Умид» жамоаси Ангрен шаҳрида «АФЛ» футболчиларининг меҳмони бўлди. Ўйинда дарвозаларга жами 7та тўп киритилди. Ўзга майдон муаммосини муваффақиятли ҳал этган «Умид» футболчилари 4:3 ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини 9тага етказдилар ва кучли учликка тенглашдилар.

Ўртачирчиқ туманининг «Тўйтепа» жамоаси бешинчи турдаги энг йирик ғалабани қўлга киритган бўлса ажаб эмас. Тўйтепаликлар Пскент туманининг «Истиқлол» жамоаси дарвозасига 6та жавобсиз тўп йўлладилар.

Бешинчи турнинг қолган учрашувлари 20-21 май кунлари бўлиб ўтади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

# Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 21-24 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг дастлабки кунларида айрим ҳудудларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Шимолдан ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Ҳарорат кечалари 12-17, кундуз кунлари 21-26 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Паркент туманидаги 8-ўрта мактаб томонидан 1993-1994 ўқув йилида Мираъло Мирҳолиқов номига берилган № 442974 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «KODA» масъулияти чекланган жамияти

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Тошкент шаҳар Х. Бойқаро кўчаси, 87-уйда қабул қилинади.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими жамғарманинг Янгийўл туман бўлими раиси муовини – ижрочи директор Ҳалима Ғиёсовага падари бузруквори

**Абдумалик ҒИЁСОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-365. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 9.405 нусха.

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6